

---

## Фурқат туманида вилоятимизнинг барча шаҳар ва туманлари ўртасида спортнинг қўл жанги тури бўйича "Фурқат тумани ҳокими турнири" вилоят биринчилиги мусобақаси ўтказилди

"Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 30 йиллиги" муносабати билан болалар ва ўсмирлар ҳамда уюлмаган ёшлар ўртасида спортнинг Қўл жанги тури бўйича "Фурқат тумани ҳокими турнири" вилоят биринчилиги мусобақаси ўтказилди.

Мусобақа аввалида туман ҳокими Жаҳонгир Жуманов "Қўл жанги туманимиз ёшларининг энг сеvimли спорт турларидан бири. Инсоннинг ўзига бўлган ишончи ортишида спортнинг ўрни бекиёс. Спортга ошно бўлган инсон ҳеч ҳам ортда қолмайди, - дея ёш спортчиларга омад тилади.

Фурқат тумани мезбонлигида ўтган мусобақада вилоятимизнинг барча шаҳар туманларидан келган 10-18 ёш, 18 ёшдан катта профессионал спортчилардан иборат 200 нафардан зиёд ўсмирлар куч синашдилар.

Мусобақада ғолиб бўлган спортчилар туман ҳокими томонидан диплом, медаллар ҳамда қимматбаҳо совғалар билан тақдирландилар.

Мусобақа сўнгида Фурқат тумани ҳокими Жаҳонгир Жуманов Ўзбекистон Ҳуқуқни Муҳофаза қилиш органларини Қўл жанги федерацияси Фарғона вилояти бўлими томонидан ёшларни спортга бўлган шижоатини оширишда кўрсатган ёрдамлари учун махсус совғаси билан тақдирланди.

2022-08-11 14:27:19